

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/30.12.2019.Тиб.102.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АХМЕДОВ ИБРАТ АМРИЛЛАЕВИЧ

**РЕВМАТОИД АРТРИТ КАСАЛЛИГИДА МУШАКЛАР
ЗАРАРЛАНИШЛАРИНИНГ КЛИНИК-ИММУНОЛОГИК
ДИАГНОСТИКАСИ ВА ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИНИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.05 – Ички касалликлар
14.00.36 – Аллергология ва иммунология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Ахмедов Ибрат Амриллаевич

Ревматоид артрит касаллигида мушаклар зарарланишларининг
клиник-иммунологик диагностикаси ва даволаш усулларини

оптималлаштириш..... 3

Ахмедов Ибрат Амриллаевич

Оптимизация клинико-иммунологической диагностики и методов
лечения мышечного поражения при ревматоидном артрите

25

Akhmedov Ibrat Amrillaevich

Optimization of clinical and immunological diagnostics and methods
of treatment of muscle damage in rheumatoid arthritis

45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 49

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/30.12.2019.Тиб.102.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АХМЕДОВ ИБРАТ АМРИЛЛАЕВИЧ

**РЕВМАТОИД АРТРИТ КАСАЛЛИГИДА МУШАКЛАР
ЗАРАРЛАНИШЛАРИНИНГ КЛИНИК-ИММУНОЛОГИК
ДИАГНОСТИКАСИ ВА ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИНИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.05 – Ички касалликлар
14.00.36 – Аллергология ва иммунология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.3.PhD/Tib1401 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.sammi.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Тоиров Эркин Санатович

тиббиёт фанлари доктори, доцент

Зиядуллаев Шухрат Худойбердиевич

тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Аҳмедов Холмурод Садуллаевич

тиббиёт фанлари доктори, доцент

Мусаходжаева Дилором Абдуллаевна

биология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Саратов давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат тиббиёт институти ҳузуридаги PhD.04/30.12.2019.Tib.102.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «__» _____ соат__даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: Самарқанд шаҳри, М.Улуғбек кўчаси, 70-уй, СамДТИ 2-сон клиникаси (Кўп тармокли ихтисослашган болалар хирургия маркази), Тел/факс: 0(366)-233-58-92,233-79-03, e-mail: shodikulovagulandom@mail.ru).

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд шаҳар, Амир Темур кўчаси 18-уй. Тел/факс: (+99866) 233-30-34.

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ кунни тарқатилди.
(2022 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)



А.М.Шамсиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Г.З.Шодикулова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

Д.О.Атакулов

Илмий даражаларни берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ревматоид артрит (РА) аҳолининг барча этник гуруҳлари орасида кенг тарқалган касалликлар қаторига кириб, умумий популяцияда 2% гача учрайди. РА билан аёллар эркакларга нисбатан 5 марта кўпроқ касалланишади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра ҳар йили ревматоид артрит касаллиги билан касалланганлар сони 3–4% атрофида кўпаймоқда. «...ревматоид артрит асосан бўғим касаллиги деб ҳисобланганлиги сабабли, унинг бўғимдан ташқари намён бўлувчи кўринишлари кўпинча эътибордан четда қолиб келади...»¹. Айни пайтда ревматоид артрит билан касалланган беморларда мушаклар зарарланишларини эрта ташхислаш ва касалликнинг оғир асоратларини олдини олиш учун патогенетик жихатларини ахамиятга олган ҳолда даво муолажаларини буюриш, касалликнинг қайталанишлар сонини камайтириш, тиббиётда ечими топиш энг муҳим ва муаммоли масалаларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда ревматоид артрит касаллигида мушаклар зарарланишларини эрта даврида аниқ ташхислашнинг ўзига хос томонларини амалий жиҳатдан ўрганиш, даволаш ва профилактика усулларини такомиллаштиришга қаратилган қатор мақсадли илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада ревматоид артрит бўғимдан ташқари мушаклар зарарланиши механизмини аниқлаштиришда, гистидил-тРНК-синтетазага (Jo-1) қарши антитаналар ва электромиографик (ЭМГ) ўзгаришлар негизида мушаклардаги ўзгаришларини эрта босқичларда аниқлаш, уларнинг касаллик давомийлиги ва клиник кечишига боғлиқлигини асослаш, касалликни авжланиб боришини олдини олиш, шунингдек самарали даволаш тартибини амалиётга тадбиқ қилиш чора тадбирлар комплексини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларни олиб бориш алоҳида ахамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояси ва соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, жумладан, аҳоли орасида бўғим касалликларни эрта ташхислаш, самарали даволаш ва олдини олишга қаратилган кенг қамровли чора тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. «...Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ҳамда касалликларни профилактика қилиш...»² каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда РА билан касалланган беморларда мушаклар кучи, функционал фаоллиги, мушак

¹Муравьев ЮВ. Внесуставные проявления ревматоидного артрита. Научно-практическая ревматология. 2018;56(3):356-362.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

толаларининг импульс ўтказувчанлиги ҳолати, яллиғланишга қарши CD комплементлар кўрсаткичлари асосида мушаклар зарарланишларини иммун табиатли ривожланиши механизмини ўрганиш, мушакларнинг аутоиммун яллиғланишини аниқлашда гистидил-тРНК-синтетазага (Jo-1) қарши антитаналарнинг ахамияти, шунингдек диагностика ва даволаш тадбирларини такомиллаштириш орқали касаллик асоратлари натижасида юзага келадиган ногиронликни камайтириш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ревматология, тиббиётда ревматик касалликларни фундаментал ва клиник муоммоларини ўрганувчи муҳим йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланади (Галушко Е.А., Насонов Е.Л., 2018; Насонов Е.Л., Лиля А.М., Галушко Е.А., Амирджанова В.Н., 2017). Ревматоид артрит (РА) номаълум этиологияли аутоиммун табиатли касаллик бўлиб, сурункали эрозив артрит ва ички аъзоларнинг тизимли яллиғланиши билан кечади. Бутундунёда 20 миллион киши РА билан касалланган бўлиб, касалланиш кўрсаткичи ревматик касалликлар ичида - 10%, умумий популяцияда эса - 0,6-2% ташкил қилади. Аёллар эркакларга нисбатан (3:1-8:1) кўп касалланади (Кондратьева Л.В., Горбунова Ю.Н., Попкова Т.В., Насонов Е.Л., 2014; Насонов Е.Л., 2015; Аҳмедов Х.С. 2015; Каратеев Д.Е., Сатыбалдыев А.М. ва б., 2015; Кольцова Е.Н., Лукина Г.В., Шмидт Е.И. ва б., 2019). Бугунги кунда ревматоид артрит касаллиги аҳолининг меҳнатга лаёқатли қатлами орасида кенг тарқалганлиги, тез ривожланиб кечиши, беморларда ҳаракат-таянч тизимини зарарланиши билан касбий ва ижтимоий қобилиятини йўқотиб ҳаёт сифатини пасайиши, ҳамда эрта ногиронлик ривожланишига сабаб бўлади. Бугунги кундаги тиббиётдаги ривожланишларга қарамасдан ревматоид артрит касаллиги билан касалланган бемоларни даволаш бутун дунёда тиббий, ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Хорижий муаллифлар (Уланова Е.А., 2002; Кожоқару М., Кожоқару И.М., Силоси И., Браби К.Д., Танасеску Р., 2010; Шостак Н.А., 2013; Насонов Е.Л., 2015;

Насонов Е.Л., Лиля А.М., Галушко Е.А., Амирджанова В.Н., 2017; Попкова Т.В., Новикова Д.С., Насонов Е.Л., Галушко Е.А., Насонов Е.Л., 2018) томонидан РА касаллигида бўғим синдроми кўп йиллар давомида яхши ўрганилган. Лекин касалликда мушаклар зарарланишларига оид маълумотлар жуда кам бўлиб, унда асосан оёқ ва қўл мушакларида ҳолсизлик, кучсизлик, оғрик, зинадан кўтарилиш ва тушушдаги қийинчиликлар кўринишида намоён бўлади. Бу клиник белгилар ҳамма вақт ҳам касалликнинг клиник белгилари сифатида қабул қилинмайди ва доимо эътибордан четда қолади. Мушаклардаги артофия ревматоид артрит касаллигининг оғирлик даражасидан ҳам далолат беради. Шунинг учун ревматоид артрит касаллигини даволашда мушаклар зарарланишини диагностикаси катта аҳамиятга эга бўлиб, уни эътиборга олган ҳолда даволаш тактикасини белгилашни талаб қилади.

Мамлакатимизда ревматоид артрит касаллигида бўғим синдроми, яллиғланиш кўрсаткичлари, камконлик ва неврологик синдром муаммоларини ўрганишга қаратилган қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилган (Аляви А.Л., Каримов М.Ш., Шодикулова Г.З., Ахмедов Х.С., 2019; Зиядуллаев Ш.Х., 2020). Ревматоид артрит касаллигида бўғимлардаги ўзгаришлар беморларнинг ҳаёт сифатига таъсири ва касаллик келиб чиқишида турли омилларнинг ўрни ўрганилган. Бироқ ҳозирги кунгача ревматоид артрит касаллигида мушаклар ҳолатини борасида олиб борилган илмий ишлар етарлича эмас.

Шундан келиб чиқиб, ревматоид артрит касаллигида мушаклардаги ўзгаришларининг диагностик аҳамиятини баҳолаш ҳамда касалликни комплекс даволашда мушаклар фаолиятини яхшиловчи даво усуллари кўллаш самарадорлигини ошириш ва беморларда ҳаёт сифатини яхшилаш, эрта ногиронликни олдини олишга қаратилган тадқиқотлар ўтказиш зарурияти мавжудлигини тақозо этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № 201906124 «Иммун тизимига боғлиқ касалликларнинг базис давосини персоналлаштириш учун фармакологик жавоб ўзгарувчанлиги билан асоцирланган янги биомаркерларни ишлаб чиқиш» (2019-2021 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ревматоид артрит касаллигида мушаклардаги ўзгаришларнинг диагностик аҳамияти ҳамда терапевтик стратегияни кўллаш орқали даволашни оптималлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ревматоид артрит касаллигида мушаклар зарарланишлари даражасини аниқлашда клиник индекслар кўрсаткичлари ва нейровизуал белгиларини ўзаро боғлиқлик даражасини аниқлаш;

ревматоид артрит касаллигида беморларда яллиғланишга қарши CD3+, CD4+, CD20+, CD38, CD16+, CD23+, CD25, CD8, CD45 комплемент таркибий қисмлари, иммун комплекси кўрсаткичлари қиёсий таҳлили

асосида мушаклар зарарланишларининг иммун табиатли ривожланиш механизми таҳлил этиш;

ревматоид артрит касаллигида мушаклар зарарланиши келиб чиқишида гистидил-тРНК-синтетазага (Jo-1) қарши антитананинг диагностик ахамиятини таҳлил этиш;

касалликни даволашда яллиғланишга қарши ва базис даво муолажалари қаторига мушаклар фаолиятини рағбатлантирувчи даволаш усулларини киритиш орқали даво муолажаларини такомиллаштириш ва уларнинг самарасини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2019-2021 йилларда Самарқанд давлат тиббиёт институти 1-клиникаси ревматология бўлимида ревматоид артрит билан даволанган 117 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети веноз қон, капилляр қон, биокимёвий ва иммунологик тадқиқотлар учун қон зардоби ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник, функционал, лаборатор-инструментал, электрмиографик, функционал ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ревматоид артрит билан касалланган беморларда касалликнинг давомийлиги ва оғирлик даражаси мушаклар функцияси, импульс ўтказувчанлигининг бузилиши билан боғлиқлиги асосланган;

ревматоид артрит билан касалланган беморларда яллиғланишга қарши CD3+, CD4+, CD20+, CD38, CD16+, CD23+, CD25, CD8, CD45 комплементларда ўзгариш кузатилиши оқибатида мушакларда иммун генезли зарарланиш ривожланиши аниқланган;

ревматоид артрит билан касалланган беморларда мушакларнинг аутоиммун яллиғланишини аниқлашда гистидил-тРНК-синтетазага (Jo-1) қарши антитаналар ва яллиғланишнинг иммун комплементлари орасида ўзаро тўғри корреляцион боғлиқлиги аниқланган;

ревматоид артрит билан касалланган беморларни даволашда L-карнитин аминокислотаси ва электромиостимуляция муолажаларини комплекс қўллаш орқали мушаклар фаолиятининг нейрофункционал қобилятини тикланиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ревматоид артритда мушаклар зарарланишларини аниқлашда иммунологик ва невровизуал ташҳислаш усулларининг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

ревматоид артрит касаллигининг оғирлик даражасини мушаклар зарарланиши даражаси билан корреляция қилиш алгоритми ишлаб чиқилган;

ревматоид артрит касаллигида мушаклар зарарланишларини ташҳислаш ва даволашнинг оптимал усулини танлаш бўйича талаб ва тавсиялар берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда замонавий усул ва ёндошувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширишларнинг услубий

жихатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлиги, клиник, инструментал, функционал ва статистик тадқиқот усулларига асосланганлиги, барча рақамли маълумотлар замонавий компьютер технологияларни қўллаб ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ревматоид артрит касаллигида иммунологик ва нейровизуал ўзгаришлар даражасини, гистидил-тРНК-синтетазага (Jo-1) қарши антитананинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда янги йўналтирилган ёндошувлар орқали мушаклар зарарланишини эрта ташхислашга имкон берувчи усулларни ишлаб чиқиш, шунингдек ревматоид артритда мушак синдромини авж олишидаги омиллари ўрганиш ва касаллик кечишини олдиндан башоратлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ревматоид артрит касаллигида қон зардобида гистидил-тРНК-синтетазага (Jo-1) қарши антитана миқдорини аниқлаш орқали мушак ҳолатини баҳолаш билан бирга мушакларни рағбатлантиришга қаратилган даволаш усулларни устувор томонларини исботлашга, касаллик асоратларини олдини олишга ва уларниг учрашишини камайтиришга, бемор ҳаёт сифатини яхшилашга имкон берганлиги билан изоҳланди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши:

ревматоид артрит касаллигида мушаклар зарарланишларининг клиник-иммунологик диагностикаси ва даволаш усулларини оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ревматоид артрит касаллигида мушаклар зарарланишларининг диагностикаси ва даволаш бўйича илмий тадқиқотнинг натижалари асосида «Ревматоид артрит касаллигида мушаклар зарарланишини амбулатор шароитда аниқлаш алгоритми» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 10 июлдаги 8н-р/634-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи ва иккиламчи бўғинида фаолият юритиб келаётган ревматологлар, оилавий шифокорларга мўлжалланган бўлиб, ундаги тавсиялар РА билан касалланган беморларда иммунологик ва нейровизуал ўзгаришлар мушаклар зарарланишининг эрта ташхислаш самарадорлигини ошириш имконини берган;

ревматоид артрит касаллигида мушаклар зарарланишларининг диагностикаси ва даволаш усуллари бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган «Ревматоид артрит билан беморларни амбулатор шароитда олиб бориш алгоритми» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 10 июлдаги 8н-р/633-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсияномада мушакларга берилган рағбатлантирувчи муолажалар асосида РА касаллигида мушакларга боғлиқ ҳолда юзага келувчи ўзгаришларни олдини олиш имконини берган.

ревматоид артрит касаллигида мушаклар зарарланишларининг диагностикаси ва даволаш ташхислаш ва уни даволаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, хусусан Қарши шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиникаси, Қарши шаҳар 4-, 6-оилавий поликлиникалари ҳамда Навоий вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказида клиник амалиётга тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 7 августдаги 8 н-з/275-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга тадбиқ этилиши, эрта ташхислашни, касаллик кечишини башорат қилиш, ўз вақтида келиб чиқадиган асоратларни профилактикасини оптималлаштиришга, ҳамда беморлар ҳаёт сифатини яхшилаб, даволаш чора-тадбирларининг самарадорлигини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 117 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга бўлган талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларни Республика фан ва технология устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Ревматоид артрит касаллигида мушаклар зарарланишларининг клиник, инструментал ва иммунологик тавсифи»** деб номланган биринчи бобида ишга оид адабиётлар таҳлили келтирилган. РА нинг этиологияси ва патогенези ҳақида замонавий қарашлар, хавф омиллари, касалликда мушаклар зарарланишлари билан кечув хусусиятлари, шунингдек ушбу патологиянинг ривожланиши ва келиб чиқишида гистидил-тРНК-синтетазага (Jo-1) қарши антитананинг диагностик аҳамиятининг ўрни ва касалликнинг ривожланишидаги ролига оид маълумотлар келтирилган. Касалликни аниқлаш ва даволаш, ҳамда беморларда бўғимнинг функционал ҳолати кўрсаткичларини баҳолаш бўйича маълумотлар таҳлил этилган.

Диссертациянинг «Ревматоид артрит касаллигида мушаклар зарарланишини текшириш материаллари ва қўлланилган тадқиқот усуллари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот дизайни, материал ва тадқиқот усуллари, беморларнинг клиник тавсифи, умумий ва махсус текширув усулларидан клиник, биокимёвий, иммунологик ва электромиографик текширишлар натижаларини статистик таҳлили ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг қўйилган вазифаларига мос равишда, СамДТИ 1–клиникасининг ревматология бўлимида Америка Ревматология Колледжи, ҳамда Европа ревматизмга қарши курашиш лигаси (ACR / EULAR) ревматоид артрит тасниф меъзонларига мувофиқ қўйилган ташҳис асосида стационарда РА билан даволанаётган 117 нафар беморлар текширувларга олинди. Шундан 102 нафари (87,2%) аёллар бўлиб, 15 нафарини (12,8%) эркеклар ташкил этди. Олинган натижаларни солиштириш мақсадида 20 нафар амалий соғлом кишилар тадқиқот текширувларидан ўтказилди. Беморлар мурожаатига қараб тасодифий усулда танлаб олинган. Беморларнинг ёши бўйича таҳлил қилинганда текширувга киритилган беморларнинг ёши 19 дан 67 ёшгача бўлиб, ўртача $42,4 \pm 11,5$ ёшни ташкил этди. Тадқиқотга олинган беморларда касаллик 1 йилдан 30 йилгача давомийликда бўлиб, ўртача касалликнинг давомийлиги эса $9,3 \pm 6,2$ йилни ташкил қилди. РА билан касалланган беморларда даволаш усулини қўллаш ва муолажаларнинг самарадорлигини баҳолаш мақсадида тадқиқотга киритилган беморлар 4 та гуруҳларга ажратилган:

1. L-гуруҳи – РА касаллигини даволашнинг стандарт (базис даво+НЯКВ+фолат кислотаси) усулига қўшимча равишда мушакларни рағбатлантириш мақсадида L-карнитин дори воситаси 1000 мг дан в/и 10 кун, 6 ой 500 мг таблетка куринишида ичишга тавсия этилди.

2. M-гуруҳи - Беморларга РА касаллигини даволашнинг стандарт (базис даво+НЯКВ+фолат кислотаси) усулига мушакларни рағбатлантириш мақсадида «Миоритм-040» тўрт каналли аппарат ёрдамида қўл ва оёқ мушакларини электростимуляция қилиш усули 20-40 мА ток кучи ёрдамида 15 минут давомийлик билан 10 кун муолажалар ҳар ойда такрорлаш усули билан 6 ой олиб борилди.

3. L+M-гуруҳда эса РА касаллигини даволашнинг стандарт (базис даво+НЯКВ+фолат кислотаси) усулига мушакларни рағбатлантириш мақсадида L-карнитин дори воситаси 1000 мг дан в/и 10 кун, 6 ой 500 мг таблетка ичишга ва ҳар ойда 15 минут давомийлик билан 10 кун муолажалар ЭМСни такрорлаш усули билан биргаликда қўшиб қўлланилди.

4. N-гуруҳида РА билан касалланган беморларни даволашда фақат стандарт (базис даво+НЯКВ+фолат кислотаси) усулидан фойдаланилган.

Гуруҳларда РА касаллиги учун аҳамиятли бўлган лаборатор (умумий қон таҳлили, С-реактив оқсил ва РО) ва инструментал (рентген, УТТ ва МРТ) текширувлари ўтказилган.

Тадқиқотнинг барча гуруҳидаги беморларда мушаклар зарарланишига хос шикоятларини аниқлаш, мушакларни кўздан кечириш, пальпация, фаол

ва пассив ҳаракатларини баҳолаш, мушаклар кучи ва тонусини аниқлаш орқали олиб борилди. Шу билан биргаликда, РА билан касалланган беморларда мушаклар ҳолатини баҳолаш мақсадида функционал синамалар (Мушак кучини 5 баллик шкалада баҳолаш, SARC-F сўровномаси) қўлланилган.

Иммунологик текширувлар антиген ва антитаналарнинг ўзаро специфик таъсири натижасига асосланган G.Manchini, (1969) усул бўйича моноспецифик антиген ва антитаналарнинг ўзаро таъсирига асосланган антизардобларни қўллаб радиал иммунодиффузия усулида миозит-специфик гистидил-тРНК-синтетаза (Jo-1) ферментига қарши антитаналар “Jo-1 ELISA” тўпламидан фойдаланиб ИФА усулида миқдори аниқланган.

Инструментал текширувларда ЭКГ, УТТ ва мушаклар электромиографияси (ЭМГ) ўтказилди. ЭМГда электр таъсиротларига нисбатан электр жавоб реакцияларидан М-жавоб бу мушакларда қўзғалишни чақирувчи дастлабки таъсир кучи, мотонейронларнинг қўзғалиши импулси ва улар иннервация қиладиган мушакларга ўтишидан ҳосил бўладиган F-тўлқинларни таҳлили орқали мушакларнинг бутунлиги ва функционал ҳолатини баҳолашда кенг қўлланилган.

Ревматоид артритда мушаклар зарарланиши даражасини аниқлаш учун ЭВМ дастури (DГУ-09303) ишлаб чиқилди. Дастур асосида РАда мушаклар зарарланиши даражаси балларда аниқланди.

Тадқиқотда олинган натижалар вариацион статистика усулида баҳоланди. Бунда ўртача арифметик миқдор, унинг ўртача квадрат хатоси моментлар усулида аниқланди. Олинган натижаларнинг ишончлилик мезони (t), ишончлилик даражаси (P) ҳам таҳлилдан ўтказилди. 95% ишончлилик даражаси Стьюдент мезони асосида баҳоланди ($p < 0,05$).

Диссертациянинг **“Ревматоид артрит касаллигида қондаги иммунологик ўзгаришлар таҳлили”** деб номланган учинчи бобида РА касаллигининг диагностикасида иммун тизимни баҳолаш касалликни ташхислаш ва даволашда муҳим аҳамиятга эгаллиги исботланган. Шу жумладан РА касаллигининг ривожланишида Т- ва В-лимфоцитларнинг антитаналарга нисбатан супрессорлик механизмларнинг бузилиши билан боғлиқ ҳолда, периферик қонида иммун кўрсаткичларнинг ошиши нафақат касалликнинг дастлабки босқичларида, балки иммунологик ўзгаришларнинг кечги даврларида ҳам кузатилиши келтирилган.

Шундан келиб чиқган ҳолда бизнинг ишимизда тадқиқотга киритилган РА билан касалланган беморларнинг периферик қон таркибидаги иммун ҳолатининг таркибий қисмларини Т ва В-лимфоцитларининг популяциялари ва субпопуляциялари ҳамда иммуноглобулинлари, шунингдек иммунологик кўрсаткичлар ревматоид омили (РО), циклик цитруллин пептидли антитаналари (АЦЦП), ҳамда цитруллинли виментин антитаналари (анти-МЦВ) кўрсаткичлари таҳлил қилиб ўрганилган.

Тадқиқотимизда иммунологик таҳлиллар натижаларидан олинган маълумотларини ўрганганимизда барча гуруҳларидаги беморларда РО (86%), АЦЦП (93%) ва анти-МЦВ омили (93%) мусбат натижани кўрсатди.

РА билан оғриган беморларнинг периферик қонининг иммунологик кўрсаткичларидан олинган натижаларни беморларнинг жинсига кўра таҳлил қилганимизда эркакларга нисбатан аёлларда Т-хелперлар CD3+, CD4+, CD20+, CD38 ва Т-киллерлар CD16+, CD23+, CD25+ нинг нисбий ва мутлоқ кўрсаткичлари ортишини, Т-супрессорлар CD8, CD45 нинг нисбий ва мутлоқ кўрсаткичлари камайишини кўришимиз мумкин. Шу билан бир қаторда аёлларда эркакларга нисбатан IgG ва IgM қийматлари сезиларли даражада камайганлигини ҳамда IgA қийматининг ортиши кузатилди.

Беморларнинг ёшига кўра таҳлил қилганимизда 45 ёшгача бўлган беморларда Т-хелперлар CD3+, CD4+, CD20+, CD38 ва Т-киллерлар CD16+, CD23+, CD25+ нинг нисбий ва мутлоқ кўрсаткичлари ортишини, Т-супрессорлар CD8, CD45 нинг нисбий ва мутлоқ кўрсаткичлари камайиши, лекин 20 ёшгача булган беморларда бу кўрсаткичларнинг ошишини янада яққолроқ кўришимиз мумкин. Шу билан бир қаторда IgG ва IgM қийматлари сезиларли даражада камайганлигини ҳамда IgA қийматининг ортиши 45 ёшгача бўлган беморларда кузатилди.

Беморларда касалликнинг фаоллик даражалари бўйича таҳлил қилганимизда касалликнинг II ва III фаоллик даражаси билан бўлган беморларда Т-хелперлар CD3+, CD4+, CD20+, CD38 ва Т-киллерлар CD16+, CD23+, CD25+ нинг нисбий ва мутлоқ кўрсаткичларини ортишини, Т-супрессорлар CD8, CD45 нинг нисбий ва мутлоқ кўрсаткичлари камайишини кўришимиз мумкин. Касалликнинг айнан III фаоллик даражаси билан бўлган беморларда бу кўрсаткичларнинг ошишини янада яққолроқ кўришимиз мумкин. Касалликнинг II ва III фаоллик даражасида IgG ва IgM қийматлари сезиларли даражада камайганлигини ҳамда IgA қийматининг ортиши аниқланди.

Касалликнинг давомийлиги бўйича 10 йилгача бўлган беморларда Т-хелперлар CD3+, CD4+, CD20+, CD38 ва Т-киллерлар CD16+, CD23+, CD25+ нинг нисбий ва мутлоқ кўрсаткичлари ортишини, Т-супрессорлар CD8, CD45 нинг нисбий ва мутлоқ кўрсаткичлари камайишини кўришимиз мумкин. Лекин 20 ёшгача булган беморларда бу кўрсаткичларнинг ошишини янада яққолроқ кўришимиз мумкин. Шу билан бир қаторда IgG ва IgM қийматлари сезиларли даражада камайганлигини ҳамда IgA қийматининг ортиши 45 ёшгача бўлган беморларда кузатилди.

Диссертациянинг **“Ревматоид атрит касаллигида мушаклар зарарланишининг клиник кўринишлари ва кечиш хусусиятлари”** деб номланган тўртинчи бобида ўтказилган махсус клиник, иммунологик ва электрофизиологик тадқиқотлар натижалари тавсифланган.

Тадқиқотга киритилган РА билан касалланган беморларда мушаклар кучини аниқлашда, беморларнинг қўл-оёқ мушакларига берилган ташқи таъсиротларга жавоб тарзида кўрсатган қаршилик кучининг даражасини 5 баллик шкалада баҳолашдан олинган натижаларини қуйидаги 1-жадвалда кўришимиз мумкин.

1-жадвал натижаларига кўра барча гуруҳдаги беморларда ҳам 0 ва 1 баллик ҳамда 5 баллик даражадаги мушаклар кучи аниқланмади. Мушаклар

кучининг 2 балл даражасидаги жуда заиф ҳолати, L - гуруҳида 3 нафар (10%), M - гуруҳида 4 нафар (13,3%), L+M – гуруҳида 4 нафар (13,3%), назорат гуруҳида эса 3 нафарни (11,1%) ташкил этди. Мушаклар кучининг 3 баллик даражадаги натижалари, яъни беморларда мушакларда ҳаракати қўл ва оёқ вази кучи таъсирида юзага келиши ва қўшимча берилган кучга беморнинг қаршилиқ кўрсата олмаслиги: L - гуруҳида 16 нафар (53,3%), M- гуруҳида 14 нафар (40%), L+M –гуруҳида 16 нафар (53,3%), назорат гуруҳида эса 15 нафарни (55,6%) ташкил этди. 4 баллик даражадаги мушаклар кучи: L- гуруҳида 11 нафар (36,7%), M- гуруҳида 12 нафар (60%), L+M –гуруҳида 10 нафар (33,3%), назорат гуруҳида 9 нафар (33,3%) беморларда мушаклар ҳаракати тўлиқ ҳажмда бўлишига қарамасдан ташқи томондан берилган кучга жавобан кучсиз қаршилиқ кўрсатиши қайд этилди.

1- жадвал

Беморларнинг мушак кучи кўрсаткичлари

Белгилари	Гуруҳ L (n=30)		Гуруҳ M (n=30)		Гуруҳ L+M (n=30)		Гуруҳ N (n= 27)		P
	abs.	%	abs.	%	abs.	%	abs.	%	
0 балл	-	-	-	-	-	-	-	-	
1 балл	-	-	-	-	-	-	-	-	
2 балл	3	10	4	13,3	4	13,3	3	11,1	<0,05
3 балл	16	53,3	14	46,7	16	53,3	15	55,6	<0,05
4 балл	11	36,7	12	40	10	33,3	9	33,3	<0,05
5 балл	-	-	-	-	-	-	-	-	

Барча беморларда SARC-F (assistance in walking, rise from a chair, climb stairs, falls) сўровномаси оркали 5 кг юкни кўтаришдаги, хонада юриш ёки уй атрофида сайр қилишдаги, зинадан кўрилиш ёки тушишдаги, тушакдан ёки стулдан мустақил туришдаги ҳамда охириги 1 йил мобайнидаги йиқилганлар ва йиқилиш натижасидаги суяк синишлари ўрганилди.

2-жадвалда келтирилган натижаларга асосланиб гуруҳларни SARC-F сўровномаси кўрсаткичлари билан таҳлил қилганимизда: 5кг ортиқ юкни кўтара олиш синамасида L-гуруҳда 24 нафар (80%); M-гуруҳида эса 26 нафар (86,7%); L+M гуруҳида 24 нафар (80%); ҳамда назорат гуруҳидаги 20 нафар (74%) беморлар 5 кг ортиқ юкни кутаришда қийналишди.

Беморлар мустақил сайр қилишида қийинчилик бўлиши L-гуруҳда 9 нафар (30%); M-гуруҳида эса 7 нафар (23,3%); L+M – гуруҳида 11 нафар (36,7%); ҳамда назорат гуруҳидаги беморларнинг 9 нафарида (33,3%) $p < 0,05$ аниқланди.

Жадвалдаги маълумотлар асосида: L-гуруҳда 11 нафар (36,7%); M- гуруҳида 13 нафар (43,3%); L+M – гуруҳида 12 нафар (40%); ҳамда назорат гуруҳидаги 10 нафар (37%) беморлар тушакдан ёки стулдан туришда қийналишди ва юришда ўриндан туриб олиш учун бировни кўмагига мухтож бўлишди ($p < 0,05$).

Шунингдек, беморларнинг зинапоядан кўтарилиш ва тушишда бўлган қийинчилик L-гурухида 14 нафар (46,7%); M-гурухида 15 нафар (50%); L+M – гурухида 16 нафар (53,3%); ва назорат гурухида 11 нафар (40,7%) беморларда кузатилди $p < 0,05$.

2-жадвал

Беморларда саркопения даражасини аниқлашда SARC-F сўровномаси натижалари

Белгилари	Гуруҳ L (n=30)		Гуруҳ M (n=30)		Гуруҳ L+M (n=30)		Гуруҳ N (n= 27)		P
	abs.	%	abs.	%	abs.	%	abs.	%	
4-5 кг юкни кўтариш кучи пасайиши	24	80	26	86,7	24	80	20	74	<0,05
Сайр қилишда юриш тезлигини пасайиши	9	30	7	23,3	11	36,7	9	33,3	<0,05
Стул ёки тушакдан туришдаги қийинчилик	11	36,7	13	43,3	12	40	10	37	<0,05
Зинадан 10 поғона кўтарилишидаги қийинчилик	14	46,7	15	50	16	53,3	11	40,7	<0,05

Тадқиқотнинг барча гуруҳларидаги беморларнинг SARC-F сўровномаси асосида олинган 1 йил мобайнида 1 дан ортиқ йиқилишларни ва суяклар синишларини таҳлили натижаларини 3-жадвал орқали кўришимиз мумкин.

3-жадвал

Йиқилишлар ва суяклар синишининг таҳлили

Белгилари	Гуруҳ L (n=30)		Гуруҳ M (n=30)		Гуруҳ L+M (n=30)		Гуруҳ N (n= 27)		P
	abs.	%	abs.	%	abs.	%	abs.	%	
Йиқилиш	3	10	4	13,3	2	6,6	2	6,6	<0,05
Синишлар			1	3,33					<0,05

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики тадқиқотга киритилган 11 нафар (L-гурухида 3 нафар (10%); M-гурухида 4 нафар (13,3%); L+M – гурухида 2 нафар (6,6%); ва назорат гурухида ҳам 2 нафар (6,66%)) беморларда 1 йил мобайнида 1 мартадан кўп йиқилишлар бўлганлигини айтишди. Суяк синиши фақатгина M-гурухидаги 1 нафар (3,33%) беморда кузатилди. Йиқилиш ва

суяк синишлари барча гуруҳдаги касаллик узоқ йиллар давом этган беморларда кузатилди ($p < 0,05$)

РА билан касалланган беморларда саркопения маълумотларига кўра мушаклар массаси ва кучи сезиларли даражада пасайган. Умумий беморларнинг 19 нафарида (16,2%) саркопения белгиларининг жуда кучли $8 \leq$ ривожланганлиги аниқланди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, саркопениянинг ривожланиши бу мушаклар массасининг камайишидан белги бериб, мушаклар массасининг камайиши тўғридан-тўғри мушаклар кучи ва функциясининг пасайишига олиб келиши кузатилди ($p < 0,05$)

Қўл панжасини сиқиш кучини аниқлаш учун қўл динамометрияси усули қўлланилди. Бунда доминант қўл елка ўқи проекциясида тўғриланиб, бор кучи билан уч мартадан динамометр сиқилди ва энг яхши натижалари тадқиқот учун олинди.

4- жадвал

Динамометрда олинган мушак кучи кўрсаткичлари

Белгилари	Гуруҳ L (n=30)	Гуруҳ M (n=30)	Гуруҳ L+M (n=30)	Гуруҳ N (n= 27)	P
ТВИ, кг/м ² , Me	24,2 [16,8;34,9]	24,1 [17,7;36,7]	24,4 [15,8;30,4]	24,4 [35,6;37,5]	<0,05
Мушакларнинг абсолют кучи кг. Me	10,2 [0;24]	11,3 [0;24]	10,2 [0;27]	8,1 [0;20]	<0,05
Тана массасига нисбатан мушак кучи %	42,2 [0;75,4]	44,1 [16,8;74,9]	42,6 [0;84,9]	35,5 [0;77,5]	<0,05

Доминант қўлда ўтказилган динамометрия ўлчовлари натижаларига кўра қўл бармоқларининг қисқич кучининг абсолют кўрсаткичлари L-гуруҳда 10,2 [0;24]; M-гуруҳда 11,3 [0;24]; L+M – гуруҳда 10,2 [0;27]; назорат гуруҳда 8,1[0;20] кг ва тана массасига нисбатан мушак кучи L-гуруҳда 42,2 [0;75,4]; M-гуруҳда 48,1 [16,8;74,9]; L+M – гуруҳда 42,6 [0;84,9]; ҳамда назорат гуруҳдаги беморларда 35,5 [0;77,5] фоизни ташкил қилди ($p < 0,05$).

Беморлардаги ТВИ кўрсаткичлари L-гуруҳда 24,2 [16,8;34,9]; M-гуруҳда 24,1[17,7;36,7]; L+M – гуруҳда 24,4 [15,8;30,4]; ҳамда назорат гуруҳдаги беморларда 24,4 [35,6;37,5] кг/м² ни кўрсатди ($p < 0,05$).

Тадқиқотнинг барча гуруҳдаги беморларда динамометрия маълумотлари таҳлилидан мушаклар кучи сезиларли камайганлигини кўришимиз мумкин.

РА билан касалланган беморларда мушакларнинг яллиғланишини аутоиммун яллиғланишларга боғлиқлик жиҳатини ўрганиш учун тадқиқотга киритилган беморларнинг қон зардобида Jo-1 (гистидил-тРНК синтетаза) га қарши антитаналарни аниқлашда Jo-1 ELISA тўпламидан фойдаланилди. Бу текширувлар иммунофермент (ИФА) анализи орқали олиб борилди.

5-жадвал

**Беморларнинг қон зардобида Jo-1 (гистидил-тРНК синтетаза) га қарши
антитаналарнинг аниқланган таҳлил кўрсаткичи**

Белгилари		Гуруҳ L (n=30)	Гуруҳ M (n=30)	Гуруҳ L+M (n=30)	Гуруҳ N (n= 27)	P
Jo-1	(+)	27	28	27	23	<0,05
	(-)	3	2	3	4	<0,05

Оқсил синтези жараёнида гистидин аминокислотасини т-РНК билан боғланишини таъминловчи гистидил-тРНК-синтетаза (Jo-1) ферментига қарши миозит-специфик аутоантитаналари РА касаллигида мушакларнинг иммун яллиғланишининг маркери сифатида қабўл қилиш имконини берди

Тадқиқотимиз давомида кўл мушакларининг электромиографик кўрсаткичлари "Sinapsis" (НМФ Нейротех, г. Таганрог) аппаратида тери юзасидаги стандарт нуқталарга электродлар орқали электр токи билан таъсир эттириш натижасида *m.flexor carpi ulnaris d., -s.*; *m. flexor pollicis brevis d., -s.*; *m. flexor digiti minimi d., -s.* импульс утиш тезлиги ва мушаклар қисқаришлари амплитудасининг электр потенциалларини компьютер экранида акс эттирган шовқин эгри чизиклари маълумотларини таҳлил қилиш орқали мушаклар функционал ҳолати баҳоланди.

Нейрофизиологик текширувларнинг ўтказилиши яъни ЭМГ текшируви кўл мушакларида шикастланишларни юқори ишончлилик билан эрта диагностика қилиш имконини беради. ЭМГ усули мушакларнинг бутунлигини ва функционал ҳолатини баҳолашда кенг қўлланилди. РА касаллигида тизимли яллиғланиш жараёни туфайли мушакларда М жавоб ва мушакларда импульс ўтказиш тезлиги нормага нисбатан ($p < 0,05$) пасайган. Ушбу олинган натижалар таҳлили мушак толаларининг зарарланишларини кўрсатди.

Беморни ўз-ўзига хизмат қилиш ва айрим уй ишларини бажаришини балларда баҳолаш орқали олиб борилади.

Lee функционал индексининг кўрсаткичлар L-гуруҳда $28,8 \pm 3,2$; M-гуруҳида $27,9 \pm 3,1$; L+M – гуруҳида $27,8 \pm 2,9$; ҳамда назорат гуруҳидаги беморларда $27,6 \pm 3,2$ баллни кўрсатди $p < 0,05$. НАQ индексини аниқлашда жами баллар йиғиндиси L-гуруҳда $48,4 \pm 1,2$; M-гуруҳида $47,6 \pm 1,1$; L+M – гуруҳида $46,9 \pm 1,9$; ҳамда назорат гуруҳидаги беморларда $47,6 \pm 1,2$ кўрсаткични ташкил этди ($p < 0,05$).

6-жадвал

**Беморларнинг ҳаёт сифати кўрсаткичлари Lee ва НАQ функционал
индекслари орқали баҳолаш.**

Белгилари	Гуруҳ L (n=30)	Гуруҳ M (n=30)	Гуруҳ L+M (n=30)	Гуруҳ N (n= 27)	P
Lee	$28,8 \pm 3,2$	$27,9 \pm 3,1$	$27,8 \pm 2,9$	$27,6 \pm 3,2$	< 0,05
НАQ	$48,4 \pm 1,2$	$47,6 \pm 1,1$	$46,9 \pm 1,9$	$47,6 \pm 1,2$	< 0,05

Бизнинг тадқиқотимизда барча гуруҳлардаги беморларнинг ҳаёт сифати кўрсаткичлари пасайганлиги аниқланди.

Диссертациянинг «Ревматоид артрит билан касалланган беморларни комплекс даволашда мушакларни рағбатлантириш мақсадида L-карнитин ва мушакларга ЭМС усуллари қўлланишнинг клиник самарадорлиги» деб номланган бешинчи бобида РА ни даволашнинг стандарт усулига мушакларни рағбатлантириш мақсадида L-карнитин дори воситаси ва «Миоритм-040» тўрт каналли аппарат ёрдамида қўл ва оёқ мушакларини электростимуляция қилиш усули натижалари, кўрсатилган.

Тадқиқотга киритилган беморлар даволаш усуллари қўлланилганига қараб 4 та кичик гуруҳларга ажратилди.

1 гуруҳ беморларга РА ни даволаш стандарт усулига мушакларни рағбатлантириш мақсадида L-карнитин дори воситаси 100 мг дан в/и 10 кун тавсия этилди.

2 гуруҳ беморларга РА ни даволаш стандарт усулига мушакларни рағбатлантириш мақсадида «Миоритм-040» тўрт каналли аппарат ёрдамида қўл ва оёқ мушакларини электростимуляция қилиш усули 20-40 мА ток кучи орқали 15 минут давомида 10 кун олиб борилди.

3 гуруҳда эса стандарт усулига мушакларни рағбатлантириш мақсадида L-карнитин ва ЭМС усули биргаликда қўшиб қўлланилди.

4 гуруҳ РА билан касалланган беморларни даволашда фақат стандарт усулдан фойдаланилди.

Ўтказилган даво муолажаларини самарадорлигини баҳолашда тадқиқотга киритилган барча беморларда мушакларнинг кучи, функционал қобилияти ва беморларнинг ҳаёт сифати комплекс даволашдан олдинги ва кейинги ҳолати таҳлил қилиниб ўрганилди.

Тадқиқот гуруҳларида мушаклар кучини рағбатлантирувчи даволашдан сўнг уларга кўрсатиладиган таъсирга жавоб тарзидаги қарши таъсир даражасига кўра 5 баллик шкалада баҳоланди, ҳамда олинган натижалар даволашдан олдинги натижалар билан солиштирилиб баҳоланди.

7-жадвал

Гуруҳларда беморларнинг даволашдан сўнги мушак кучи кўрсаткичлари.

Белгилари	Гуруҳ L (n=30)		Гуруҳ M (n=30)		Гуруҳ L+M (n=30)		Гуруҳ N (n= 27)		P
	Олдин	Сўнг	Олдин	Сўнг	Олдин	Сўнг	Олдин	Сўнг	
0 балл	-	-	-	-	-	-	-	-	
1 балл	-	-	-	-	-	-	-	-	
2 балл	3	3	4	3	4	3	3	3	<0,05
3 балл	16	12	14	12	16	12	15	14	<0,05
4 балл	11	15	12	15	10	15	9	10	<0,05
5 балл	-	-	-	-	-	-	-	-	

